



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 29 июнь, № 128 (5043)

Сешанба

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қирғизистон жанубида ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан содир этилган хунрезликларни биз, Кембриж шаҳрида, чуқур қайғу ва алам билан кузатдик. Мен шунга аминманки, Сиз биздан кўра кўпроқ ташвишга тушгансиз ва изтироб чеккансиз.

Бундай мусибатли дамларда Ўзбекистон халқи ўзининг метин иродасини намойён қилди, Сизнинг тевкор ҳаракат қилиш ва шу қадар кўп одамларга зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишни таъминлаш борасидаги қарорингиз улкан тарихий воқеа бўлди. Сиз ва Ўзбекистон халқи билан ҳамкорлик бизга катта фахр-ифтихор бағишлайди. Сиз Ўзбекистон минтақада барқарорлик маёғи эканини, теранлик, донолик ва вазминлик билан мушоҳада юритишни яна бир бор намойён этдингиз. Сиз ўз куч-гайратингиз ва ресурсларингизни жабрдийдаларга ёрдам кўрсатишни таъминлашга сафарбар қилдингиз. Том маънодаги йўлбошчиликнинг асл моҳияти мана шундан иборат. Биз умид қиламизки, Сизнинг бундай фазилатингиз бутун дунё мамлакатлари раҳбарларига ўрнак бўлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром ила,

**Сидхарт САКСЕНА,**  
Кембриж университети профессори,  
Марказий Осий бўйича  
Кембриж форуми раиси

## ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР САМАРАСИ



**Авал хабар берганимиздек, шу кунларда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида ташкил этилаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ўтказилаётган саноат тармоқ ярмаркалари қизғин давом этмоқда.**

### Халқаро ярмарка


Айтиш жоизки, мазкур тадбирлар мамлакатимиз саноатининг етакчи ишлаб чиқарувчилари ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Зеро, ярмаркалар нафақат янги маҳсулотларни намойиш этиш ёки фикр алмашиш, балки корхоналараро кооперация алоқаларининг мустақамлашишига ҳам хизмат қилаётди.

Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ҳамда телекомму-

(Давоми 2-бетда).

**СУРАТДА:** "Proton" МЧЖ мутахассиси Ш. Мирзахмедова, "Альфа Омега" илмий-ишлаб чиқарув корхонаси мутахассиси А. Ортиқов ва клиник ординатор К. Файзиёва.

Бектиёр АҚРАМОВ олган сурат.



## ЮКСАК ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАСИ

**Халқимиз энг оғир дамларда ҳам вазминлик билан иш қўрайдиган, бошқалардан бегараз ёрдамини аямайдиган баргикенг, инсонпарвар халқ. Бу ҳақиқат олис ва яқин тарихимиз давомида неча бор ўз исботини топиб келмоқда.**

Шу йилнинг 11 — 15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубидаги Ўш ва Жалолобод вилоятларида содир этилган қонли фожиалар оқибатида жабр кўриб, юртимиздан панох толган қочқоқларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, беимнат ёрдам кўрсатишда халқимизнинг ана шу фазилатлари яна бир бор яққол намойён бўлди. Мана шундай ўта қалтис вазиятда айнан бизнинг Президентимиз, айнан бизнинг халқимиз томонидан оғир-вазминлик билан иш тутилиб, кўрсатилган юксак инсонпарварлик тўғрисида бу фожианинг янада кенг тус олиб, унинг бутун минтақамиз бўйлаб аланга олиб кетишига йўл қўйилмади. Ва бу ҳақиқатни бугунги кунда дунёдаги кўплаб нуфузли сиёсатчи ва таҳлилчилар эътироф этмоқда.

Юртбошимиз Бухоро вилоятининг Воксент туманида қишлоқ меҳнаткашлари билан бўлган суҳбатда бу воқеалар ҳақида атрофича фикр билдириб, "Биз ҳар доим вазмин, ориятли, ор-номусли халқ бўлиб келганмиз. Ҳар доим ўз салоҳиятимизга, ўз кучимизга сўянчиб яшаганмиз. Шу билан бирга, доимо етти марта ўлчаб, бир марта кесганмиз. Мен шу йўлдан ҳеч қачон қайтмасликка даъват этиб, халқимизга фақат омонлик, тинчлик тиламан", деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг даъвати асосида ана шу ўтган кунлар мобайнида халқимиз томонидан қочқоқларга нисбатан кўрсатилган меҳр-муруват, амалий ёрдам, ҳамдардлик ҳисларини, албатта,

сўз билан тўлиқ ифода этиб бўлмайди. Шу борада бир мисолга эътибор берилик. Ўша кунлар кетганида, ҳоли нима кечарди? Оналар ҳам, бегуноҳ чақалоқлар ҳам нобуд бўлмасмиди?

Мана, бугун бу гўдаклар соғ-омон дунёга келиб, боши узра ёруғ омонни кўриб турибди. Ким билди, балки эртага мана шу чақалоқлар орасидан буюк олимлар, файласуф ёки рассомлар, ноёб истеъдод соҳиблари етишиб чиқар? Энг муҳими, ким бўлмасин, бу гўдаклар бир умр эзгуликнинг қандай қудратли куч эканини, айнан шунинг ҳисобидан уларнинг ўзлари ҳам соғ-омон туғилиб, ёруғ жаҳонни кўрганани унутмайди.

Бу биргина мисол. Халқимизнинг ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдамга муҳтож инсонларга ўз багини очиб, борини баҳам қўришига, бор вужуди билан ёрдам беришига интилиши тўғрисида юз мингга яқин инсон оғир кунларда мадад топди. Уларга кенг қўламадаги тиббий, маиший ёрдам кўрсатилди, озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак ва бошқа зарурий буюмлар ўз вақтида узлуқсиз етказиб берилди. Мен халқ депутатлари Андижон

вилояти Кенгаши депутати сифатида бу тадбирларда бевосита иштирок этдим, бу борада мамлакатимиздаги марказий ва маҳаллий идоралар вакиллари, Андижон халқи қандай уюшқоқлик билан, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилганига шахсан гувоҳ бўлдим. Юртдошларимиз нафақат амалий-моддий ёрдамлари, айти пайтда инсоний меҳру муҳаббати билан жабрланганларнинг қалбидаги жароҳатларга махкам бўлишга ҳам интилишди.

Мен бир ижодкор, бадий адабий вакили сифатида дунё тарихидаги буюк гуманизм намуналари ҳақида кўп ўқиганман, ўзим ҳам ана шу юксак фазилатлар ҳақида ҳикоялар, маколалар ёзганман. Лекин буюк инсонпарварликнинг амалий намунасини мана шу кунларда халқимизнинг қочқоқларга кўрсатган бегараз ёрдамлари тимсолида кўриб, ҳам хайратга тушдим, ҳам шундай улғу халқнинг фарзанди эканидан қалбим фахр-ифтихор туйғуларига тўлди.

Бугун биз ғоят қалтис, таҳликали замонда яшаймиз. Қачон қараманг, дунёнинг турли бурчақларида катта-кичик фожиалар содир бўлмоқда. Ва ана шу воқеалар муносабати билан турли хайрия акциялари, шоулар ўтказилади. Афсуски, уларнинг амалий таъсиридан кўра, улар ҳақидаги шов-шувлар кўпроқ бўлади. Шу маънода, Қирғизистон жанубида содир этилган қонли воқеалар ва улардан жабр чекканларнинг сони ва умуман, бу фожианинг қўламини эътиборга оладиган бўлсак, бизнинг дав-

латимиз, халқимиз томонидан кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамини ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, бу қабих фожиани ташкил этган, бошқарган ва йўналтирган кучларнинг разил ниятларига қарши Ўзбекистон, авваламбор, одамгарчилик ва инсонпарварликнинг юксак намунасини яна бир бор намойён этди.

Четдан туриб ташкил этилган бу хунрезликнинг асл мақсади — асрлар давомида қўшни бўлиб келган икки халқ ўртасида уруш чиқариш, шу тариқа уларни умрбод бир-бирига душман қилиб қўйиш ва ўзининг узоқни кўзлайдиган ғаразли ниятларига етишдан иборат бўлгани Президентимиз томонидан билдирилган фикрларда аниқ баён қилиб берилди.

Инсон шанига мутлақо нолойиқ бундай хунрезликларни уюштирган разил кучлар ўз ниятларига етиш учун яна минг-минглаб одамларни ўлдириш, чақалоқлар, аёллар ва кексаларни нобуд этиш, қанча-қанча уйлари ваёрон қилишга тайёр экани, бу йўлда улар ҳеч нарсадан қайтмаслигини, муктасар айтганда, ўзларининг манфур қиёфасини кўрсатди. Жаҳолат ва ваҳшийликни ўзлари учун касб қилганлар нафақат бир халқ ёки миллатнинг, балки бутун инсониятнинг душманидир. Улар дунёдаги барча халқларнинг эзгу орузи бўлган тинчлик-тотувлик, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг душманидир. Бундан нафақат юртимиз, минтақамиз халқлари, балки жаҳон ҳамжамияти оғох бўлиши лозим.

**Наби ЖАЛОЛИДДИН,**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюشمаси аъзоси.

Бир рақам  
ШАРҲИ

### Ўзбекистон — хорихликлар нигоҳида

**Ўзбекистон тарихий обидалари, бетақдор маданияти ва анъаналари, гўзал табиатию замонавий шаҳарлари билан кўплаб сайёҳларни жалб қилмоқда. Тошкентда сайёҳларнинг кўплиги ҳам шундан далолат беради. ЎЗА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

## БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАГИ ДУРДОНА

**Ален БРИЗАР (Франция):**

— Тошкентга иккинчи марта келишим. Бу азият шаҳарда мароқли дам олиш учун барча шароит муҳайё эканини алоҳида қайд этишни истардим. Музей ва галереялар эстетик завқ берса, муҳомладуст халқингиз билан умуманла киши бахридиллини очди. Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшларининг юксак маданияти, улкан интеллектуал салоҳияти менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон — улкан сайёҳлик салоҳиятига эга мамлакат. Юртингизда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлорлар юксак самаралар бераётди. Замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканларидаги сервис хизмати талаб даражасида экани билан эътиборли.

**Сатиш ЧАНД (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари, моҳирона таъмирланган ва назик дид билан безатилган қадимий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром қилаётди. Юртингизда барча соҳа-

лар жадал тараққий этмоқда. Хусусан, авиация соҳаси юксак ривожланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Илгари Ҳиндистондан Ўзбекистонга учинчи давлатлар орқали келар эдик. Бу кўп вақт ва маблаг талаб этарди. Ҳозир эса бунинг учун уч соат кифоя, холос.

Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодийдир. Ҳар келганимда, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб қувонаман.

**Стивен БОСВЕЛЛ (Германия):**

— Ўзбекистонга илк бор келишим. Ҳайратимни таърифлашга оғиман. Юртингизнинг ҳар бир гўшаси мени ўзига маҳлиб этмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги тарихий обидалари, замонавий иншоотларни кўздан кечирдим. Миллий ва замонавий услубларни уйғунлаштирган маҳобатли бинолар, гўзал майдонлару кенг кўчаларни кўриб, ўзбек халқининг мейморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳиятига тасаннолар айтдим.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА

**Пекинда Миллий либослар намойиши бўйича 13-халқаро маданият ва дўстлик фестивали бўлиб ўтди.**

### Биз ва жаҳон

Хитой халқаро маданият ва дўстлик фестивали ҳамда Шанхайда бўлиб ўтаётган "ЭКСПО — 2010" Бутунжаҳон ярмаркаси ташкилий қўмитаси томонидан уюштирилган тадбирда хорижий дипломатия ваколатхоналари жамоалари, Давна, Ханчжоу, Пекин ва ушбу мамлакатнинг бошқа шаҳарлари бадий ансамбллари ҳамда Жануби-Шарқий Осий минтақаси айрим давлатларининг делегациялари иштирок этди.

Фестиваль меҳмонлари ранг-баранг миллий либослар, мусиқа асбоблари, кўшиқ ва рақслар маъмуасидан баҳраманд бўлишда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари халқларининг анъаналари билан танишишди.

Пекининг Тил ва маданият университети, Ценьхуа университети, Халқаро бизнес ва иқтисодиёт университети каби нуфузли олий ўқув юртра-рида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг чиқишлари фестивалнинг энг эсда қоладиган воқеаларидан бири бўлди.

Улар ўзига хос рақсларни, миллий кийимларни, Ўзбекистоннинг халқ амалий усталари томонидан қўлда тикилган ва ишланган ноёб ўзбек сўзанлари ҳамда идиш-товолларни намойиш этишди, шунингдек, меҳмонларни ўзбекистон чойхўрлиги аъёнлари билан таништиришди.

**«Жаҳон» АА,**  
Пекин

## Ватан ҳимояси — муқаддас бурч АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИ ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

**Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Куролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда академия ўқитувчи-

лари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, битирувчиларнинг оила

аъзолари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Бердиев

(Давоми 4-бетда).

## АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ ҚўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**Шу йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 6,1 фоизга ўсди.**

Тизимда изчил олиб борилаётган ишлорлар, айниқса, АТСларни рақамлаштириш даражасининг оширилиши, мобил алоқа хизматлари қўламининг кенгайтирилиши тўғрисида шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

**«Жаҳон» АА,**  
Пекин





**Жорий йилнинг 24 июнь куни "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банкининг 2009 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган Акциядорларнинг Умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда акциядорлар томонидан банкнинг ўтган йилдаги фаолияти яқунларига бағишлаб кун тартибига киритилган бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли хулосалар чиқарилди. Жумладан, "Асака" банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, банкрот корхоналар негизда янги корхоналар ташкил этиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, янги иш жойлари яратиш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ижобий баҳоланди. Банк томонидан 2010 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режага асосан, жорий йилда тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш, белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ бажариш ва банк фаолиятини жадал ривожлантириш бўйича бир қатор кўрсатмалар берилди.**

Республикамиз макроиқтисодий барқарорлашув даражасининг тобора мустаҳкамланиши ва аҳоли турмуш даражасининг юксалишида молия муассасаларининг улуши бе-ниҳоя катта. Нега деганда, саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, янги қувватларни ишга тушириш билан боғлиқ лойиҳаларнинг рўйбга чиқарилиши бевосита банкларнинг молиявий кўмаги билан амалга оширилади. Юртимиз иқтисодий ҳаётида кечаётган бундай кизгин жараёнда "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этиб келаётди.

Мазкур молия муассасаси Юртбошимизнинг ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда автомобилсозлик саноатини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида банк ўз олдига қўйилган вази-фаларни тўлиқ бажариб, нафақат автомобилсозлик тармоғи шаклланишида, балки уни ривожлантиришда етакчи молиявий институтга айлан-ди. Эътиборлиси, бу жараён-да ўзининг тезкор ва сифат-ли хизматлари билан юрт-дошларимиз ишончини ҳам оқлаб, мулкчилик шакли тур-лича бўлган иқтисодий доирасини кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Президентимизнинг 2008 йил 13 ноябрдаги "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвести-циявий фаолигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қаро-рига асосан, 2009 йил охирида банк-нинг устав капитални 300,0 млрд. сўмга етказишни унинг фаолиятида янги даврни бошлаб берди, дейиш мумкин. Гап шундаки, бу иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, банкрот корхоналар не-гизда янги корхоналар ташкил этиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳоз-лаш, янги иш ўринларини очиш, кич-ик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш борасида-ги хизматлари кўламини оширишга янада кенг йўл очди.

Банк жамоаси жорий йил-нинг ўтган даврида асосий эътиборни 2009 — 2012 йил-ларга мўлжаллаб қабул қилин-ган Инқирозга қарши чора-лар дастурининг ижросини таъминлаш, шу орқали инвес-тициявий жозибдорликни ошириш, юқори ликвидлик ва барқарор иқтисодий ривожла-нишга эришиш, жаҳон бозорин-да рақобатбардош бўла ола-диган маҳсулотлар ишлаб чи-қарадиган ва хизматлар кўра-тадиган мижозларга ҳамда хо-рижий ҳамкорларга юқори си-фатли банк хизматларини кўрсатишга қаратди. Натijaда капитал ва активлари ҳажми бўйича Ўзбекистон молия бо-зоридagi етакчилик мавқеини сақлабна қолмай, уни янада мустаҳкамлади. Бу миллий рейтинг компанияларидан ташқари, халқаро молия соҳа-

## «Асака» банк: ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ — АСОСИЙ МАҚСАД

сида нуфузли ўринга эга бўлган "Euromoney", "The Banker", "Global Finance" каби халқаро молиявий нашрлар томонидан ҳам эътироф этил-гани, айниқса, қувонарлидир.

Энг муҳими, "Асака" банк-ка жаҳоннинг етакчи халқаро рейтинг агентликлари ҳисоб-ланган "Fitch Ratings" ва "Moody's Investors Service Ltd" халқаро рейтинг агентликлари томонидан юқори рейтинг ба-ҳолари берилди. Мазкур эъти-роф банкнинг халқаро майдон-даги обрўси янада ошиб бо-раётганидан далolatдир. Шу билан бирга, бу мамлакат ичи-да эгалланган етакчи ўрини мустаҳкамлашга, унинг молия-вий ҳамкор сифатида аҳоли ишончининг янада ошишига хизмат қилади.

Таъкидлаш кераки, "Асака" банк мамлакат иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчи-лари билан яқиндан ҳамкорлик қилишни ўзига бош мақсад қил-ган бўлиб, мулк-чилик шакли ва фаолият кўлами-дан қатъи назар, барча ҳужалик ю р и т у в ч и субъектларга, ш у н и н г д е к, аҳолининг турли ижтимоий қат-ламларига си-фатли хизмат кўрсатиб келаёт-тир. Бу жараён-да ҳар бир ми-жознинг индивиду-ал талабидан келиб чиққан ҳолда, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" деган тамойил эътиборни кўрсатилган хизмат сифа-тига қаратаётгани диққатга сазовордир.

Бугунги кунда "Асака" банк 26 та филиали, шу жумладан, 14 та худудий филиали, 12 та туман (шаҳар) филиали, 107 та минибанки, қарийб 1 004 та жағмарма ва махсус кассала-ри, 138 та валюта айирбош-лаш шохбчаси орқали аҳоли ва ҳужалик юритувчи субъект-ларга барча турдаги банк хиз-матларини кўрсатмоқда. Бун-дан ташқари, банк тизимида "Асака транс лизинг" лизинг компанияси ва "Асака инвест-мент" Бошқарув компаниялари самарали фаолият юритмоқда. Банкнинг мазкур муассасала-ри 28 мингдан зиёд юридик ва 677 мингдан ортиқ жисмоний шахсларни ўз хизматлари билан қамраб олган.

2010 йилнинг 1 июнь ҳола-тига кўра, банкнинг жами активлари 2,1 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2009 йилнинг шу давридаги нисбатан 36,5 фоизга ўсди. Даромад келтирувчи активлар 1,5 трлн. сўмга етказилиб, умумий актив-ларнинг 71,8 фоизини ташкил этди. Ўз навбатида, банкнинг умумий капитални 24,9 фоиз ўсиб, 371,6 млрд. сўмга етди.

Ўтган даврда мижозларга янада қулайлик яратиш, так-лиф этилаётган молиявий хиз-мат турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, хизматлар тезлиги ва сифати-ни оширишга қаратилган ислохотлар изчил олиб борил-ди. Жумладан, 13 та инфо-

киоск ва 26 та банккомат ор-қали барча турдаги коммунал хизматлар, мобил алоқа ва интернет тўловларини банк пластик картчалари орқали ҳеч қандай воситачилик ҳақи олинмасдан кечю кундуз тўлаш тизими жорий этишга эришилди.

Бундан ташқари, мижозлар-зур бўлмоқда. Пензионерлар учун жорий этилган "Фаҳрий" омонати эса кексаларимиз учун яна бир қулайлик бўлиб, унга пенсияларини ўтказиш имкони-ятини беради.

Таклиф этилаётган бу каби жозибдор ва аҳоли учун қулай омонатлар банкнинг ресурс-базаси, яъни жисмоний ва



га масофадан ахборот хизмат-ларини кўрсатиш соҳасида "SMS-BANKING" хизматини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Ушбу янги хизмат мобил телефон воси-тасида банк билан SMS-ха-барлари орқали ахборот ал-машиш имконини беради. Шу боис мазкур тизимдан фойда-ланаётган мижозлар сони то-бора ортиб бораёпти. Айни пайтда яна бир қулай хизмат тури — "Банк-мижоз" дастурий комплексига бўлган қизиқш-хизмат ҳам ниҳоятда юқори. Негаки, унинг ёрдамида мижозларга пул-ҳисоб ҳужжатларини элек-трон шаклидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатилади.

Аҳолидан барча тўловларини қабул қилувчи 220 та янги "Paynet" шохбчаси очилиб, улар орқали мижозларга 6,9 млрд. сўм миқдорда хиз-матлар кўрсатилди. 2010 йил 1 июнь ҳолатига кўра ана шун-дай хизмат кўрсатувчи шохоб-чалар сони 970 тага етказил-ди, улар орқали 12,2 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди.

Банк томонидан нақд пул-сиз ҳисоб-китобни ривожлан-тириш мақсадида савдо ва хизмат кўрсатиш шохбча-ларига ўрнатилган терминаллар сони айни пайтда 4 665 та-дан ошиб кетди. Муомалага қи-қарилган пластик карточка-лар эса ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 38,1 фоиз қўпайиб, 524 494 тага етказилди.

Шу билан бирга, ташкилот ва корхоналарда сўм пластик карточкалари орқали "иш ҳақи лойиҳалари"ни жорий этиш ишлари жадаллаштирилган. Ҳозирги пайтда мазкур хиз-матдан фойдаланаётган ми-жозлар сони 5 834 нафарни ташкил этаётгани бунинг са-марасидир. Ўз навбатида, хал-қаро карточкалар ("Master Card") орқали ҳисоб-китоблар-нинг автоматлаштирилган ти-зимини кенгайтириш мақсади-да чиқарилган халқаро пла-стик карточкалар сони 2 баро-барга ўсди ва қарийб 100 минг донани ташкил этди.

Банк томонидан юридик шахсларга мўлжалланган 100 млрд. сўм миқдорда 6 ойдан 3 йилгача муддатга депозит сертификатлари ва

20 млрд. сўм миқдорда банк облигациялари муомалага чиқарилди.

Президентимизнинг "Аҳоли ва ҳужалик юритувчи субъект-ларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозит-ларга жалб қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғри-сида"ги қарори ижроси бўйича банк тизимида муайян ишлар олиб борилмоқда. Масалан, жор-ий йилда жисмоний шахслар-га мўлжалланган 17 та янги омонат тури жорий этилди. Айни пайтда аҳолига миллий ва хо-рижий валютадаги 69 та омон-нат тури таклиф этилмоқда. Жумладан, "Орзу", "Барқарор", "Умид-1", "Ёшларга", "Талаба-лар учун" ва "Болажон" омонат турлари, айниқса, аҳолига ман-

2010 йилнинг ўтган даври-да жами 287,8 млрд. сўм миқ-дорида кредитлар ажратилган бўлса, шундан 280,4 млрд. сўми банкнинг ички манбала-ри ҳисобига тўғри келади. Маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувват-лаш, экспортбop ва импорт

2010 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига би-ноан, "Асака" банк томони-дан умумий қиймати 173,9 млрд. сўмлик 13 та лойиҳани молиялаштириш белгиланган ҳамда кичик ва хусусий биз-нес лойиҳаларини Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси кредит линияси ҳисобидан кре-дитлаш мақсадида 11,8 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар ўзлаштирилиши режалашти-рилган.

Бугунга қадар 6 та лойиҳа бўйича 29,4 млрд. сўм миқ-дорида маблағ йўналтирилган, автомобиль ва темир йўл транспортини техник қайта қуроллантириш бўйича умумий миқдори 60,4 млрд.сўм эквиваленти бўлган 3 та лойиҳа молиялаштиришга маъқуллангани, айниқса, қуво-нарлидир.

"Асака" банкнинг кредитла-ри юрт ободлиги, турмуш фар-овонлигига хизмат қилапти. Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ажра-тилган кредитлар ва кўрсат-тилган лизинг хизматлари ор-қали 8096 та янги иш ўрни яратилгани, уларнинг меҳна-ти билан тайёр маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажми 120 млрд. сўмни, унинг экспорти ками-да 25 млн. АҚШ долларини ташкил этиши ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар-ни ишлаб чиқариш ҳисобига 18 млн. АҚШ долларни иқти-сод қилиниши кўзда тутилган сўзимиз исботидир.

Бугунга қадар эса банкнинг кредит портфелида мавжуд бўлган инвестициявий кредит-лар бўйича 102,4 млрд. сўмлик импорт ўрнини босув-чи маҳсулотлар ишлаб чи-қарилди ва 136,7 млрд. сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Банк жамоаси кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция-вий лойиҳаларини молиялаш-тиришга устувор вазифа си-фатида эътибор қаратмоқда. Натijaда иқтисодиётнинг жо-зибдор соҳасига йўналтири-лаётган маблағлар ҳажми йил сайин ортиб бораёпти. Айти-лик, кичик бизнесга 2009 йил-да барча молиялаш манбала-ридан 265,2 млрд. сўм ажра-тилган бўлса, 2010 йилнинг 1 июнига қадар ушбу мақсад-лар учун 161,7 млрд. сўм кре-дитлар (964 та лойиҳа учун) ажратилди. Бунинг ҳисоби-га, ўтган йилнинг шу давридаги-га нисбатан 802 та қўп, жами

Бир сўз билан айтганда, "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси 2010 йилнинг қолган даври мо-байнида қўлга киритилган муваффақиятларини янада мус-таҳкамлаш мақсадида иқтисодиётнинг реал сектори кор-хоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсу-лотлар ишлаб чиқаришга ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялашга устувор вазифа сифатида жиддий эътибор қаратади. Мижозларга юқори сифатли банк хизматлари кўрсатиб, мамлакатимиз иқти-содиётининг янада ривожланиши, аҳоли турмуш дара-жасининг юксалиши йўлида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаверади.

Банк томонидан ажратилган инвестиция кредитлари ва ли-зинг амалиётлари қолдиқлари 618,4 млрд. сўмга тенг бўлиб, саноат, қишлоқ ҳужалиги, транспорт ва коммуникация, қурилиш, маиший хизмат син-гари иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари қамраб олинди. Бугунги кунда банк жамоаси лизинг амалиётларини жадал-лаштириш масаласига жиддий эътибор қаратиб, 347 та ли-зинг лойиҳасини молиялаш-тирди. Натijaда жами лизинг портфели 89,9 млрд. сўмни ташкил этди. Эътиборлиси, жорий йил охирига келиб, банкнинг кредит портфелида-ги инвестициявий кредитлар улуши 72 фоизга етиши кутилмоқда.

2010 йилнинг ўтган даври-да жами 287,8 млрд. сўм миқ-дорида кредитлар ажратилган бўлса, шундан 280,4 млрд. сўми банкнинг ички манбала-ри ҳисобига тўғри келади. Маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувват-лаш, экспортбop ва импорт

2010 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига би-ноан, "Асака" банк томони-дан умумий қиймати 173,9 млрд. сўмлик 13 та лойиҳани молиялаштириш белгиланган ҳамда кичик ва хусусий биз-нес лойиҳаларини Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси кредит линияси ҳисобидан кре-дитлаш мақсадида 11,8 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар ўзлаштирилиши режалашти-рилган.

Бугунга қадар 6 та лойиҳа бўйича 29,4 млрд. сўм миқ-дорида маблағ йўналтирилган, автомобиль ва темир йўл транспортини техник қайта қуроллантириш бўйича умумий миқдори 60,4 млрд.сўм эквиваленти бўлган 3 та лойиҳа молиялаштиришга маъқуллангани, айниқса, қуво-нарлидир.

"Асака" банкнинг кредитла-ри юрт ободлиги, турмуш фар-овонлигига хизмат қилапти. Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ажра-тилган кредитлар ва кўрсат-тилган лизинг хизматлари ор-қали 8096 та янги иш ўрни яратилгани, уларнинг меҳна-ти билан тайёр маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажми 120 млрд. сўмни, унинг экспорти ками-да 25 млн. АҚШ долларини ташкил этиши ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар-ни ишлаб чиқариш ҳисобига 18 млн. АҚШ долларни иқти-сод қилиниши кўзда тутилган сўзимиз исботидир.

Бугунга қадар эса банкнинг кредит портфелида мавжуд бўлган инвестициявий кредит-лар бўйича 102,4 млрд. сўмлик импорт ўрнини босув-чи маҳсулотлар ишлаб чи-қарилди ва 136,7 млрд. сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Банк жамоаси кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция-вий лойиҳаларини молиялаш-тиришга устувор вазифа си-фатида эътибор қаратмоқда. Натijaда иқтисодиётнинг жо-зибдор соҳасига йўналтири-лаётган маблағлар ҳажми йил сайин ортиб бораёпти. Айти-лик, кичик бизнесга 2009 йил-да барча молиялаш манбала-ридан 265,2 млрд. сўм ажра-тилган бўлса, 2010 йилнинг 1 июнига қадар ушбу мақсад-лар учун 161,7 млрд. сўм кре-дитлар (964 та лойиҳа учун) ажратилди. Бунинг ҳисоби-га, ўтган йилнинг шу давридаги-га нисбатан 802 та қўп, жами



дим этилган ҳужжатлар тўпла-ди ўрганилмоқда. Жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг жами 178,6 млрд. сўмлик йирик инвести-

2370 та янги иш ўрни очил-ди. Ажратилган 7,2 млрд. сўм микрокредитлар ҳисобига эса яна 795 та янги иш жойи яратилди.

Президентимизнинг тегиш-ли қарорларига асосан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсу-лотлари ишлаб чиқарувчи кор-хоналарни моддий қўллаб-қув-ватлаш банкнинг доимий диқ-қат марказида. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чи-қариш учун 48,8 млрд. сўмлик, ноозиқ-овқат маҳсулотлар тай-ёрлаш мақсадларига эса 23,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди ва лизинг хизмат-лари кўрсатилди.

Президентимизнинг 2010 йил 6 апрелдаги "Банк тизи-мининг молиявий барқарорли-гини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича "Асака" банк томони-дан 2010 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик субъектларини кредитлаш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 280 млрд. сўмлик кредитлар, шу-нингдек, 15 млрд. сўмлик мик-рокредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда банк иқти-содиёт тармоқларини молия-лаштиришда нафақат ички ресурслардан, балки хори-жий кредит линияларидан ҳам умумий фойдаланмоқда. Шу мақсадда бугунга қадар Хусусий секторни ривожлан-тириш Ислом корпорацияси-дан 15,0 млн. АҚШ dollari, "Коммерцбанк"дан 40,0 млн. евро, Жанубий Корея Эксим-банкidan 25,0 млн. АҚШ dollari миқдоридagi кредит линияси жалб қилинди. Бун-дан ташқари, Хитой давлат ривожланиш банкнинг 15,0 млн. АҚШ dollari миқдори-даги кредит линияларидан жалб этиш бўйича битим им-золаниши кутилмоқда.

2010 йилнинг 1 — 4 май кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осие тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик йиғи-лишида "Асака" банк ва ОТБ ўртасида савдон молиялаш-тиришга мўлжалланган қисқа муддатли амалиётларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 25 млн. АҚШ dollari миқ-дорда келишув имзоланди.

"Асака" банк томонидан Ху-сусий секторни ривожланти-риш Ислом корпорацияси маблағларининг тизимли жа-далга асосан ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, жумла-дан, 2010 йилда 7,5 млн. АҚШ dollari жалб қилиш белгиланган.

Сир эмас, банк олдига қўйилган шу каби устувор ва-зифаларнинг тўла-тўқис бажа-рилиши, молиявий хизматлар сифати яхшиланиши ва кўла-мининг ортиб бориши бевоси-та тизимда фаолият кўрсат-яётган мутахассис-қодимлар-нинг касбий малакаси ҳамда саноатчилик боғлиқ. Шу боис банк раҳбарияти етук мута-хассисларни тайёрлаш ва хо-дима малакасини ошириш борасида изчил ишлар олиб бормоқда. Банк тизимидagi аҳоли омонатлари, инвестиция-вий, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ма-салалари билан шугулланувчи таркибий тузилмаларни мала-ка кадрлар билан таъмин-лаш, уларнинг касб малакасини ва тажрибасини ортиртиришга алоҳида аҳамият берилаяпти.

Бир сўз билан айтганда, "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки жамоаси 2010 йилнинг қолган даври мо-байнида қўлга киритилган муваффақиятларини янада мус-таҳкамлаш мақсадида иқтисодиётнинг реал сектори кор-хоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга, маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсу-лотлар ишлаб чиқаришга ҳамда хизматлар кўрсатишга мўлжалланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялашга устувор вазифа сифатида жиддий эътибор қаратади. Мижозларга юқори сифатли банк хизматлари кўрсатиб, мамлакатимиз иқти-содиётининг янада ривожланиши, аҳоли турмуш дара-жасининг юксалиши йўлида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаверади.

2010 йилнинг ўтган даври-да жами 287,8 млрд. сўм миқ-дорида кредитлар ажратилган бўлса, шундан 280,4 млрд. сўми банкнинг ички манбала-ри ҳисобига тўғри келади. Маблағларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувват-лаш, экспортбop ва импорт

2010 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига би-ноан, "Асака" банк томони-дан умумий қиймати 173,9 млрд. сўмлик 13 та лойиҳани молиялаштириш белгиланган ҳамда кичик ва хусусий биз-нес лойиҳаларини Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси кредит линияси ҳисобидан кре-дитлаш мақсадида 11,8 млрд. сўм миқдоридagi маблағлар ўзлаштирилиши режалашти-рилган.

Бугунга қадар 6 та лойиҳа бўйича 29,4 млрд. сўм миқ-дорида маблағ йўналтирилган, автомобиль ва темир йўл транспортини техник қайта қуроллантириш бўйича умумий миқдори 60,4 млрд.сўм эквиваленти бўлган 3 та лойиҳа молиялаштиришга маъқуллангани, айниқса, қуво-нарлидир.

"Асака" банкнинг кредитла-ри юрт ободлиги, турмуш фар-овонлигига хизмат қилапти. Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ажра-тилган кредитлар ва кўрсат-тилган лизинг хизматлари ор-қали 8096 та янги иш ўрни яратилгани, уларнинг меҳна-ти билан тайёр маҳсулот иш-лаб чиқариш ҳажми 120 млрд. сўмни, унинг экспорти ками-да 25 млн. АҚШ долларини ташкил этиши ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар-ни ишлаб чиқариш ҳисобига 18 млн. АҚШ долларни иқти-сод қилиниши кўзда тутилган сўзимиз исботидир.

Бугунга қадар эса банкнинг кредит портфелида мавжуд бўлган инвестициявий кредит-лар бўйича 102,4 млрд. сўмлик импорт ўрнини босув-чи маҳсулотлар ишлаб чи-қарилди ва 136,7 млрд. сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Банк жамоаси кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция-вий лойиҳаларини молиялаш-тиришга устувор вазифа си-фатида эътибор қаратмоқда. Натijaда иқтисодиётнинг жо-зибдор соҳасига йўналтири-лаётган маблағлар ҳажми йил сайин ортиб бораёпти. Айти-лик, кичик бизнесга 2009 йил-да барча молиялаш манбала-ридан 265,2 млрд. сўм ажра-тилган бўлса, 2010 йилнинг 1 июнига қадар ушбу мақсад-лар учун 161,7 млрд. сўм кре-дитлар (964 та лойиҳа учун) ажратилди. Бунинг ҳисоби-га, ўтган йилнинг шу давридаги-га нисбатан 802 та қўп, жами



Хунарли инсон ҳамиша эл назарида бўлган. Бугун эса хунар эгаси халқимизнинг ҳам, давлатимизнинг ҳам эъзозу эътиборида. Зотан, истиқлол шарофати билан хунармандлар меҳнати қадр топди. Устоз-шоғирдлик аъяанаси асосида хунармандчилик соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

манд яратган кашталар 2008 йил Китоёб туманида бўлиб ўтган "Асрлар садоси" фестивалида, шунингдек, Шотландиянинг Глазго шаҳрида ташкил этилган дунё халқлари кўргазмасида санъат ихлосмандлари ҳамда мутахассислар томонидан муносиб баҳоланди.

# ХУНАРДАН ЭЪЗОЗ ТОПДИК

дейишмоқда навоийлик каштадўзлар

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни янги поғонага кўтаришга асос бўлди.

Маълумки, Нурота хунармандчилигининг азалий ўқоқларидан бири ҳисобланади. Туманда халқ амалий санъатининг қадимий тури — каштачилик асрлар давомида сайқал топиб келаяпти. Эътиборлиси, айни кунда Нуротада бу хунарнинг бардавонлигини таъминлаб келаётган каштадўзлар сони минг нафардан ошди. Улар томонидан яратилаётган бежирим кашталар нафақат юртимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида санъат асари даражасида баҳоланиб, юксак эътироф қозонаётди.

— Хозирда замонавий технологиялар кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ, — дейди нуроталик каштадўз, "Шухрат" медалли соҳиб Рухсора Тўрақулова. — Шундай бўлса-да, хунарманд иқодида, махсулотига эҳтиёж камайгани йўқ, аксинча, кўпаймоқда. Негаки, кўл меҳнати билан яратилган жиҳоз ёки буюмлар ҳамиша ўз жозибаси, кўркамлиги,



табиийлиги ва пишиқ-пухталиги билан ажралиб туради.

Дарҳақиқат, Рухсоракан кўлида сайқал топган кашталар ўзига хос жиҳозга эга. Шу боис, юртимиз ва хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазма ҳамда танловларда унинг ижод намуналари юқори баҳога сазовор бўлаяпти. Жумладан, хунар-

— Матога туширилган ҳар бир кашта маълум бир гоҳ, рамз ёхуд маънони ифодалайди, — дейди Кизилтепа туманидаги 3-умумий таълим мактаб ўқитувчиси Зебо Рустамова. — Шу боис, мактабимизда мазкур хунарни қизларга ўргатиш ва бу орқали уларнинг тафаккури, санъатга меҳр-муҳаббатини оширишга

## Кадрият

ҳаракат қилаёلمиз. Хозирда ҳудудимизда 80 нафардан зиёд хотин-қиз каштадўзлик билан шуғулланишмоқда.

Дарвоқе, Зебохоннинг ижод намуналари ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Кўли гулдир ўзбек аёлини" савдо-кўргазмасида юқори баҳолангани ҳам диққатга сазовордир.

— Чиндан ҳам, Юртбошимизнинг Фармони соҳадаги яна бир юксак гамхўрлик намунаси бўлди, — дейди Республика "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими раиси Абдуқодир Иброҳимов. — Чунки Фармонга биноан, хунармандларимизга қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилдики, бу эъдиликда уларни янги-янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Албатта, қадимий хунар турларини ёш авлодга ўргатиш ва бу орқали уларнинг улукисизлигини таъминлашда "Уста-шоғирд" аъяанасининг аҳамияти беқиёс. Жумладан, ўтган йили вилоятдаги 47 та шундай мактабда 300 га яқин ёшлар турли хунар сирларини пухта эгаллашди. Бундан ташқари, ташкил этилган меҳнат биржаларида ёш иқтидорлар хунармандчиликка жалб этилди.

Хунардан ризкинг унар, дейди халқимиз. Навоий вилоятида ҳам ана шу нақлга амал қилиб, бугун ўз хунари ортидан нафақат ризқ-баракат, балки ҳурмату иззат топиб келаётган кўли гул инсонлар бисёр.

Мухими, юртимизда уларнинг меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилиб, қадр топиб бораёпти.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Хасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

# ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

Инсон учун энг бебаҳо бойлик саломатлиқдир. Уни асраш эса ҳар биримизнинг қўлимизда. Бироқ буни гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлганлар англашганида эса анча кеч бўлади. Зеро, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш инсон камолотига ҳавф солиш билан бирга, мамлакат тараққиётига ҳам ўта салбий таъсир кўрсатади.

латнинг илдиз отишига йўл қўймайлик, одамларнинг, айниқса, ёшларимизнинг бу қабоҳат панжарасига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан тезкор-профилактик тадбирлар изчил ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, "Ёшлар орасида наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлари", "Қора дори", "Дори-дармон", "Таркибида наркотик ва психотроп моддалари бўлган дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш" ва бошқа тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, манфаъдор идора ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик жалб қилинган ҳолда ташкиллаштирилмоқда.

Гиёҳвандликка ружу қўйган одам оиласини, шунингдек, жамиятни ҳам издан чиқаради. Қарийб ўттиз йил давомида гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилувчи ўрта оилани қузатган француз олими Демманинг ўрганишича, мазкур оилаларда дунёга келган болаларнинг деярли барчаси ногирон бўлиб туғилган. Тинимсиз захри қотил истеъмол қилганларнинг аксарияти эса ўпка раки, асаб, бўғма касалликлари билан оғриб, ҳаётдан эрта кўз юмган.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда истиклолнинг илк йилларидаги анча шундай салбий ҳолатнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, халқаро ҳужжатлар ратификация этилди. Хусусан, 1999 йилда "Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, БМТнинг бир қатор конвенциялари мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган.

Дарҳақиқат, гиёҳвандлик инсоният учун энг оғир оқибатларга олиб келадиган оғдатдир. Шу боис ҳукуматимиз томонидан наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва унинг ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича 2007 — 2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури қабул қилинган бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари бу борада изчил фаолият олиб бораётди. Гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари ҳақида сўз борганда, шунингдек, Афғонистонда ўттиз йилдан бери давом этаётган уруш Марказий Осиё мамлакатларининг бу заминда етиштирилаётган захри қотили олиб ўтувчи транзит ҳудудга айланишига сабаб бўлмоқда. Дунёда ишлаб чиқариладиган героиннинг 90 фоиздан ор-

тиги Афғонистон ҳиссасига тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлаш миқдоридаги таъминлаш, қашшоқликка қарши курашиш билан боғлиқ ўткир муаммоларни ечишга устувор аҳамият берилишидир, деб алоҳида қайд этилди.

Табиийки, гиёҳванд моддалар савдосида мамлакатимизнинг транзит ҳудудга жойлашгани масалага жиҳдий эътибор қаратишни талаб этади. Шу боисдан Ўзбекистон бугунги кунда наркотрафикка қарши курашишда Марказий Осиё давлатлари, Россия, Эрон, Хитой, Польша, Италия, Покистон, Украина, Германия, Грузия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа давлатлар билан икки томонлама, МДҲ, ШҲТ доирасида тузилган кўп томонлама мажбуриятларини бажариб келмоқда.

— Жамиятимизда ушбу ил-

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш замирида ана шу оғатга жаҳон афкор оммасининг нигоҳи, эътиборини қаратиш мақсади мумкин. Шу ниятда ўтган ҳафта мамлакатимиз ҳудудида кўлга туширилган тонналаб гиёҳванд моддалар йўқ қилинди. Аслида, бу иллатга қарши курашиш ҳар бир фуқаро, оила, маҳалла-қўйнинг энг долзарб вазифасидир. Зотан, "аср вабоси"га қарши барчамиз биргаликда курашсак, саъй-ҳаракатларимиз бirlаштирсак, шубҳасиз, гиёҳвандлик балосининг илдизига болта урган, эртанги авлодларимизга соғлом ҳаётни бунёд этган бўламиз.

Илҳом ТУРҲУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

# ОСИЁ МУАЙ-ТАЙЧИЛАРИ ТОШКЕНТДА

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида муай-тай бўйича X Осий чемпионати қизгин давом этмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муай-тай ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мусобақада мезбонлардан ташқари, Таиланд, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Афғонистон, Индонезия, Қозғистон, Туркменистон, Тожикистон каби ўндан ортиқ мамлакатдан 200 нафарга яқин спортчи иштирок этмоқда. Бундан ташқари, мусобақага кучли муай-тай мактабига эга бўлган Канада, Перу ва Исроил давлатларидан ҳам вакиллар тақлиф этилган.

Халқаро турнирда спортчилар нафақат қитъа чемпионлиги, балки шу йилнинг август ойида Хитой пойтахти Пекин шаҳри мезбонлик қилаётган Бутунжаҳон яккакураш спорт турлари фестивалига бериладиган учта йўллама учун кураш олиб боришмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, бу каби нуфузли турнирлар барча давлатларда ҳам ўтказилавермайди. Бунинг учун етарли шароит, халқаро талабларга жавоб берадиган зарур спорт базаси мавжуд бўлиши лозим. Ўзбекистон ана шундай имкониятга эга мамлакат ҳисобланади. Биргина жорий йилнинг ўтган ойлари мубайнида пойтахтимизда бадий гимнастика, оғир атлетика, эркин ва юн-рум кураши ҳамда хотин-қизлар кураши бўйича (Ўсмирлар ўртасида Сингапур Олимпиадасига йўллама берувчи), универсал жанг ва фўтзалдан Осиё чемпионатлари зўр муваффақият билан уюштирилди.

диган муай-тай бўйича вакилларимизнинг кўлга киритаётган ютуқлари ҳам салмоқли бўлмоқда. Айниқса, юртдошларимиз 2009 йили Таиланд давлатида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этдилар. Олтими килограмм вазн тофасида қатнашган самарқандлик Абдулла Худойбердиев финалда мезбонлар вакилини катта устунлик билан енгиб, халқаро муай-тай федерацияси томонидан "Йилнинг энг ахши спортчиси", деб эътироф этилди. Яна бир вакилимиз бухоролик Жобир Тошўлатов (+ 91 кг.) ҳам финалда рақибини мuddатидан олдин мағлубиятга учратиб, олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, вакилларимиз учта қумуш ва тўртта бронза медали билан яқун-

да 82 та мамлакат спортчилари орасида умумжамоа ҳисобида учинчи ўриндан жой олишди. Ушундан биринчи ўрин Украина, иккинчи ўрин эса Таиланд терма жамоаларига nasib этганди.

— Ўзбекистонда спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлардан ахши хабардоримиз, — дейди Бутунжаҳон муай-тай федерацияси (IFMA) президенти Сакчай Тансуван. — Қолаверса, мамлакатимиз муай-тайчилари дунёда кучли уликда туришади. Шу сабабли, навбатдаги қитъа чемпионатини Тошкентда ўтказишни маъқул топдик. Бизга бу ерда спортчиларга яратилган шароитлар билан биргаликда, ташкилотчилик ишлари ҳам маъқул бўлди. Насиб этса, яқин йилларда юртимизда жаҳон чемпионатини ўтказишни режалаштирармиз.

Энди бевосита Осиё чемпионати беллашувлари ҳақида. Хозирча андижонлик Шерзод Сотқонов, Мавлон Қаҳҳоров, Азиз Назаров, Тошкент вилоятидан Гуломжон Ҳалимов, Санжар Юсупов, самарқандлик Абдулла Худойбердиев, Фирдавс Холмуродов, Артур Қодирқулов иккитадан жангга қозонишди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда олий ҳарбий билим юртралида ўқитиш энг замонавий шакл ва услублар, ахборот-коммуникация, компьютер

## АКАДЕМИЯ БИТИРУВЧИЛАРИ ХИЗМАТГА ЙУЛ ОЛДИ

технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Уларда барча бўғиндаги командирларнинг профессионал малакаси ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган, ташкилотчилик кўникмаларига эга, чуқур билимли, ҳар қандай вазиятда мустақил ва тўғри қарор қабул қилишга қодир малакали офицерлар тайёрлашнинг самарали тизими йўлга қўйилган.

Куролли Кучлар академиясида олий тоифали, кўшинлар бошқарувига қодир офицерлар тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

— Академиядаги икки йил ўқув давомида ҳарбий хизмат пайтида эгаллаган билим ва тажрибам янада бойиди, — дейди битирувчи, майор Латиф Шарипов. — Хизматни давом эттиришга киришар эканман, бор куч-ғайратим, олган билимимни Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилишга, мамлакатимиз мудофиа салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш ҳамда юртимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга сафарбар эгаман.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА мухбири.

ТОПОЛТАЛ КУВУРЛАР

### «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги махсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимдаги ПўЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

**Тўғри бурчак кесимдаги ПўЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

**ИИГМА ПАРКЕТ** (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

**КАРБИД** — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

## ОБ-ҲАВО

(29 июнь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Ҳоразм вилояти.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайд. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик қузилмайди. Кечаси 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайд. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик қузилмайди. Тунда 18-23, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёгингарчилик бўлмайд. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 36-38 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси Марказнинг етакчи мутахассиси Дилфуза Абдуллаевага падари бузруквори **ЎРИНБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси Молия-иқтисодий ишлари бўйича проректор, профессор Сафар Искандаровга падари бузруквори **САМАНДАР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институтининг жамоаси институт проректори Шўҳрат Азимовга опаси **РАЪНО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхада бошланди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида бошланди. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятда қолган кўпаймадан таъриф қилинади ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида тервалди ҳамда операторлар Ж. Тоғоева ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Оршов.  
Набатчи муҳаррир — А. Болшев.  
Набатчи — Ф. Абдулов.  
Мусаҳҳах — Х. Топшўжаев.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 1 2 3 5